



2020 у « 5 » июнь

№ Қ-249

« ___ » _____ 20__ г

С.Рахимов СИУ худудида фаолият юритаётган “Қурбонова Райҳон бону” фермер хўжалигига лимончилик йўналишидаги иссиқхона қурилишига рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/226-сон йиғилиш баёни ва Денов туман ҳокимининг 2020 йил 30 апрелдаги 01-36/451-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/226-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Денов тумани ҳокимининг 2020 йил 03 апрелдаги С.Рахимов СИУ худудида фаолият юритаётган “Қурбонова Райҳон бону” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида ихтиёридаги қишлоқ хўжалик харитасининг 4қисм ва 501қисм-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги баҳоланмаган 3,0 гектар самарасиз боғ ер майдонига лимончилик йўналишидаги иссиқхона қурилишига рухсат берилсин.

3. “Қурбонова Райҳон бону” фермер хўжалиги бошлиғи Р.Қурбоновага: рухсат этилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда рухсат этилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Денов тумани ҳокимлиги (Б.Ибатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

